



Ўзбек халқи Афрўза билан фахрланади

Ўтган ҳафта Апеннин ярим оролидан келган мужда ҳар бир юртдошимизнинг қалбини ғурурга тўлдирди. Италиянинг Монтесильвано шаҳрида ўтказилган шахмат бўйича 18 ёшгача ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Афрўза Ҳамдамова голиб бўлди. 14 ёшли Афрўзанинг Ўзбекистон тарихида қизлар орасидаги ilk жаҳон чемпиони бўлгани қувончли воқеадир.

Янги Ўзбекистон ҳар бир соҳада янги қадамлар – янги марралар даври сифатида тарихга муҳрланаётир. Айниқса, шахмат бўйича юртимиз вакиллари кўлга киритаётган ютуқлар салмоқли. Бу шахматчиларимизнинг маҳорати йилдан-йилга ортиб бораётганидан дарак. Шу билан бирга, мамлакатимизда шахматни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва уни оммавий спорт турига айлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал ва маданий ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, юқори иқтидорга эга ёшларни танлаш, саралаб олиш ва уларни профессионал шахматчилар ва халқаро гроссмейстерлар сифатида тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, тренерлар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш борасидаги ислохотлар самараси ҳамдир.

(Давоми 2-саҳифада)



Шу кунларда ижтимоий тармоқларда «Zoʻr TV» телеканали «Ёр-ёр» кўрсатувининг видео парчаси тарқалиб, ногиронлиги бўлган бир аёлнинг устидан кулган кўрсатув бошловчиларини танқид «нишони»га олишга сабаб бўлмоқда. Бунда ушбу кўрсатув одоб-ахлоқ қоидаларига тўғри келмаслиги сабабли уни умуман эфирдан олиб ташлаш кераклиги айтилган.


Тўғриси, видеони тўлиқ кўрсангиз, бошловчиларга эътирозлар ўринли эканлигига амин бўласиз. Ҳар ҳолда ногиронлар билан ишлаш бўйича мутахассислардан бирининг таъкидлаганидек, «ногиронлиги бўлган шахсларни эфирга чиқаришда ишлатиладиган ва ишлатиб бўлмайдиган терминлар ва коммуникацияга аҳамият бериш керак». Кўрсатувда эса бунга мутлақо аҳамият берилмаган. Хусусан, кўрсатувнинг ногиронлиги бўлган иштирокчисининг «Бочка шахридан келдим...» деган сўзлари эфирга бериб юборилган.

Кўрсатув бошловчисининг айтишича, дастурнинг аҳамияти оилавий ҳаёт қийинчиликларининг олдини олиш,

ёшларга ҳаётини ўғитлар бериб боришда эмиш. Аммо аслида кўрсатув мазмуни муайян ҳаётини сабабларга кўра ҳали ўз жуфтини топа олмаган ёки «йўқотган» шахслар билан суҳбатлар ўтказиб, уларни шу ерда, студияда таништириш ва хотин ёки эр танлаш бобида вариант таклиф этишдан иборат.

Турмуш ўртоғини танлаш – бу ҳис-туйғуларга, инсоннинг ўз ички, ҳаммага ҳам ошкор қилинавермайдиган кечинмаларига асосланган жараёндир. Ҳаёт қийинчиликлари туфайли бу асосий умр савдосини ҳал қила олмаган шахсларга қариндош-уруғлар, дўсту биродарлар, маҳалла аҳли ёрдам бериши керак.

(Давоми 3-саҳифада)



ЧОРДОҚ, ҚАБРИСТОНЛАРДА ЯШИРИБ САҚЛАНГАН КИТОБЛАР –

“Жадид
куллиёти”да
нималар
ёзилган?

(Боши 1-саҳифада)

Афрўза Ҳамдамова 2009 йил 25 февралда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида туғилган. Аини пайтда Самарқанд шаҳридаги 42-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси.

Қизалоқ ҳали тўрт ёшга тўлмай шахмат тахтаси ва доналари билан танишди. Дадасининг таъбирича, шахмат доналари Афрўзанинг севимли ўйинчоқлари эди. Бобоси Ҳамдамкул ака моҳир шахматчи бўлгани боис, унинг олти фарзанди ҳам ота изидан борди. Уларнинг ҳар бири турли мусобақа ва турнирларда иштирок этиб, ғолиблар сафида бўлди.

Халқимизда “Олманинг тагига олма тушади”, деган нақл бор. Аввал бобосидан, сўнг дадаси Акбар Ҳакимовдан сабоқ олган Афрўза бугун бобоси — Ҳамдамкул ака орзулаган кунларни оиласига туҳфа этди.

— Илк бор Самарқандда шахмат бўйича ўтган вилоят мусобақасида иштирок этиб, иккинчи ўринни қўлга киритганман, ўшанда тўрт ёшда эдим, — дейди Афрўза Ҳамдамова. — Бирин-кетин республика миқёсидаги мусобақаларда қатнаша бошладим. 2016 йил Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Илк устозим — отам, сўнг Шаҳоб Ҳамроқуловдан шахмат сирларини ўргандим. Ҳозир яна отам билан шуғулланимиз. Акам Сиёвуш ҳам

шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони, укам ва синглим ҳам шахмат ўйнашни яхши кўради. Оиламизда шахмат ўйнайлик десам, “йўқ, билмайман”, “вақтим йўқ” деган баҳона ёки сабабнинг ўзи йўқ. Бу мени жуда қувонтиради. Амакиларим ҳам маҳоратли шахматчилар. Ўйин давомида улардан

Ўзбек халқи Афрўза билан фахрланади

ҳар гал ниманидир ўрганаман.

Энг эсда қоларли ўйин — шу йил бўлиб ўтган Осиё ўйинларидаги иштироким бўлди. Унда хитойлик гроссмейстер билан ўйнадим. Тан оламан, рақибим кучли шахматчи, унинг маҳоратидан кўрққандим, бироқ қора доналарда ғалаба қозондим. Бу ўйин мени руҳлантирди.

Афрўза интернетда халқаро гроссмейстерлар, моҳир шахматчиларнинг ўйинларини мунтазам кузатиб, ўрганишни қанда қилмади. Улар билан онлайн мусобақаларда маҳоратини синаб кўрди. Акбар ака эса кизини нуфузли мусобақаларда иштирок этишга рағбатлантирди, қўллаб-қувватлади. Афрўзанинг профессионал шахмат билан шуғулланиши учун

вақт ажратди, халқаро мусобақаларга олиб бориши зарурлигини англаб, бор эътиборини Афрўзага қаратди.

— Тажриба қатта мусобақаларда тўпланади. Шу боис, Афрўза иштирок этган ўйинлар унга қатта мактаб бўлди, — дейди чемпионнинг отаси. — Мусобақага кетишдан олдин виза

билан боғлиқ муаммолар бўлди. Шу сабабли бир турнир ўтказиб юборди. Бироқ қатнашмаслик ёки мағлубият ҳақида ўйламади. Аслида, мана шу ички қувватнинг ўзи — ярим ғалаба. 14 ёшли бир кизнинг ўз Ватани ва миллати учун шундай ғалаба келтириши бир ота сифатида мени жуда қувонтирди. Шундай ажойиб кизнинг отаси эканимдан ғурурланаман.

Афрўза бугунга қадар кўплаб нуфузли мусобақаларда ғолиб бўлган. Юртимиз ва қўшни давлатлардан ташқари, Эрон, Туркия, Грузия, Россия, Руминия, Беларус каби мамлакатларда ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган.

— Рақибларимнинг барчаси яхши шахматчилар эди. Уларга қарши бир

неча йилдан буён ўйнаб келганим сабабли қандай юришларни амалга оширишини ёддан билардим. Асосий ўйинларда қора рангларда ўйнаш қийинчилик туғдирди. Агар улар хато қилсагина ғалаба қозониш имкониятим ошарди. Хато қилмаса, ўйин дуранг билан якунланарди. Рақибларимнинг асосий камчилиги охирида эндшпилда яхши ўйнай олмаслиги бўлди. Шу сабабли қайси рангга бўлишимдан қатъи назар, эндшпилда ғалаба қозондим. Энг қатта мақсадим — Ўзбекистон байроғини баланд кўтариш, аёллар ўртасида энг ёш гроссмейстерга айланиш. Бу ғалабамни мени дуо қилган, нуфузли мусобақаларда иштирок этишим учун имконият ва шароит яратиб берган халқимга, Президентимга бағишлайман, — дейди Афрўза.

Италияда қўлга киритилган мазкур ғалаба давлатимиз томонидан тақдирланди. Афрўза Ҳамдамовага 100 миллион сўм, мураббийига эса 50 миллион сўм берилди. Афрўза Ҳамдамова шу йил декабрь ойида Самарқанд шаҳрида рапид ва блиц йўналишларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда. 2024 йил эса Венгриянинг Будапешт шаҳрида ўтказилиши белгиланган 45-шахмат олимпиадасида яна Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.

Башорат ЮНУСОВА.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУҲИМ ЛОЙИҲА

Ҳузур-ҳаловатдан кечиб, имконияти ва маблағини сарф қилиб, ўз иши учун кеча-ю кундуз жонини бериб меҳнат қиладиган ишбилармонлар юксак натижаларга эришаверади.

Президентимиз нафақат ўз оиласи, балки эл-юрти равнақи учун хизмат қиладиган бундай тадбиркорларни ҳақиқий фидойилар, деб эътироф этганди. Давлатимиз раҳбари 2017 йилнинг бошидаги йиғилишлардан бирида иккитагина иш ўрни яратган тадбиркорни бошига кўтаришга тайёргарлигини ҳам айтган эди.

Президент ташрифидан сўнг...

Мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳити, бугунги натижалар ўша ваъда шунчаки айтилганини кўрсатмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 17 ноябрь куни Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Термиз шаҳридаги “Indenim Textile” кластерининг тўқимачилик корхонасида ҳам бўлди.

Кластерда пахта етиштириш ва қайта ишлаш, ип-калава тайёрлаш, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш занжири яратилган. Бу умумий ҳисобда аини пайтда корхона тизимида 9 минг нафардан ортиқ ходим меҳнат қиладиганини аниқлатади.

Термиз шаҳридаги тўқимачилик корхонаси шу занжирнинг бир халқаси саналади. Бу корхона 2019 йил ишга туширилган бўлиб, унинг умумий лойиҳа қиймати 10 миллион доллардан ортиқни ташкил этади. Корхонанинг жами ҳудуди 12 гектар, ишлаб чиқариш майдони 3 минг метр квадрат ташкил этади.

— Иш бошлаганимизда иккита дўконимиз бор эди, — дейди кластер

таъсисчиси Шерзод Шоймардонов. — Товарларимизнинг қатта қисми импорт маҳсулотлар эди. Оз бўлса ҳам ўзимизнинг трикотаж маҳсулотларимизни савдога чиқардик. Савдони таҳлил қилганда ўзимиз ишлаб чиқарётган кийим-кечаклар ҳам яхши сотилаётганига амин бўлдик. Кейин ишлаб чиқаришга куч бердик. Орадан тўрт йил ўтди, жаҳон брендлари билан рақобатлаша оладиган даражага чиқдик. Ҳозир мамлакатимизнинг турли ҳудудларида савдо дўконларимиз ишлаб турибди. Ўзимиз етиштирган пахтадан кийим-кечакча бўлган босқични босиб ўтгандимиз. Бу маҳсулотларимиз таннархи ҳамёнбоп бўлишига хизмат қилмоқда. Натижаларга эришишимизнинг асосий омили мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитининг жуда яхшилигида деб биламиз.

Президентимиз тўқимачилик корхонамизда бўлди. Уни янада ривожлантириш учун нималарга аҳамият қаратишимиз лозимлиги ҳақида тавсияларини берди. Давлат раҳбарининг ташрифи жамоамиз учун қатта энергия бўлди.



Дарҳақиқат, бу корхонада Германия, Япония, Туркия ва Хитой каби давлатлардан келтирилган илғор технология ва ускуналар самарасида йилига 800 турдаги 9 миллион дона тўқувчилик маҳсулотлари, жинси, киши кийимлар тайёрлаш қуввати яратилган.

Ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотнинг бир қисми экспортга, асосий қисми ички бозор — кластернинг “Indenim” дўконларига чиқарилади.

Бу каби лойиҳалар ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Буни биргина шу корхонада 800 нафар хотин-қиз иш билан таъминланганида ҳам кўриш мумкин.

— Бундан олдин чет давлатдаги йирик текстиль корхонасида ишлаганман, — дейди корхона тикувчиси Рўзигул Мерганова. — Ўша корхона билан ҳозирги ишхонамни солиштираман. Бу ердаги шароитлар аъло.

Ускуналаримиз замонавий, иш жойимиз тоза-озода, жамоамиз аҳил, даромади яхши. Энг муҳими, оиламдан узокда эмасман. Ишидан хурсанд, оиласига қўшимча даромад келтираётган мен каби хотин-қизлар мана шу шароитларни қилиб берганларга ҳамisha раҳмат айтамиз.

Ишга қабул қилинадиган хотин-қизлар дастлаб корхонанинг номарказида ўқитилади. Иш жараёни икки сменада ташкил этилиши натижасида унумдорлик юқорилиги таъминланмоқда.

Корхонада келгусида газлама мато тўқиш ва бўяш, кийим-кечак ишлаб чиқариш ҳажми оширилади. Бунинг учун умумий қиймати 55 миллион доллар инвестиция йўналтирилади. Натижада яна 10 минг 500 та янги иш ўрни яратилади.

Икром АВВАЛБОВ.

АСОСЛИ ТАКЛИФЛАР АКС ЭТГАН ҚОНУН

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан мамлакатимизнинг асосий молиявий хужжати — “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Таъкидлаш лозим, ушбу хужжат муҳокамалари аввалги йилларга қараганда ўзгача бўлди. Депутатлар қонун лойиҳасининг ҳар бир бандида белгиланган вазифаларни чуқур таҳлил қилдилар. Халқона тилда айтганда, етти ўлчаб, бир кесдилар.



Қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзолари ҳамда Ҳукумат вакиллари-дан иборат ишчи гуруҳ томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича кўплаб кенгайтирилган йиғилишлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Фракциялардаги муҳокамалар жараёни ҳам қизғин ўтди. Эътиборлиси, депутатларнинг юздан ортиқ саволлари, таклиф ва тавсиялари кўриб чиқилди ва уларнинг аксарияти лойиҳада ўз аксини топди.

Шунингдек, лойиҳа нормалари Президентимиз Фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорлари билан уйғунлиги ва асосланганлиги ўрганилди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида кўзда тутилган 5 та йўналиш ва 100 та мақсад бўйича 2024 йилда белгиланган тадбирлар-

ни молиялаштириш масалаларига аниқлик киритилди.

Таъкидлаш жоиз, фракциямиз аъзолари 2024 йилги Давлат бюджети қонун лойиҳасини партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда атрофлича муҳокама қилдилар. Мазкур жараёнда асосий эътиборни ижтимоий соҳалар — таълим-тарбия, илм-фан ва инсон капиталини ривожлантириш мақсадларини янада кўпроқ молиялаштиришга қаратдилар.

Хусусан, 2024 йилнинг бюджетиди ҳам бу соҳаларни молиялаштиришга етарли маблағ ажратилмоқда. Дарсликларни янгилаш, мактабларни реконструкция қилиш, янги мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларини қуриш, “Эл-юрт умиди” жамғармаси учун инвестицияларнинг сези-

ларли ортгани фикримиз исботидир.

Таъкидлаш жоиз, “Эл-юрт умиди” жамғармасига 550 млрд. сўм ажратиш кўзда тутиляпти. Бу 1200 нафардан ортиқ ёшларимизга хориждаги нуфузли таълим муассасаларида билим олиши учун имконият яратилади, деганидир. Шунингдек, докторант илмий ходимлар квоталари сонини 4,7 мингга етказиш, 500 та докторантура стажёрларининг илмий фаолиятини молиялаштириш учун 1 триллион сўм ажратилмоқда.

Фракциямиз аъзолари яна бир муҳим масалага — Президентимизнинг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда ёшлар ўр-

тасида оммавий спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш орқали соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни оммавий спортга жалб этишни янги босқичга олиб чиқиш бўйича ишларни тизимли йўлга қўйиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ушбу масала қонун лойиҳасига масъул — Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ишчи гуруҳи билан биргаликда ўрганиб чиқилди ва асосли, деб топилди. Эндиликда ушбу тадбирлар бўйича ажратилган маблағлар 54 млрд. сўмга кўпайтирилди.

Бир сўз билан айтганда, қабул қилинган бюджет тўғрисидаги қонун аҳолининг фаровонлигини янада оширишга, уларнинг турмуш даражаси яхшиланишига, кўп қиррали ҳамкорлик алоқаларни фаоллаштиришга, шунингдек, барча соҳаларнинг ривожига хизмат қилади. Ўз навбатида, биз, депутатлар давлат бюджетининг ўз вақтида, сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини олиб борамиз.

Жамшид ҚОСИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, “Миллий
тикланиш” ДП фракцияси
аъзоси

“ЁР-ЁР”ДА НА МАЪНО БОР, НА МАЗМУН

(Боши 1-саҳифада)

Кимнингдир уйланиш ёки турмушга чиқишда муаммолари бўлса, маҳалла бундан хабардор бўлиши керакку, ахир. “Маҳаллабой”, “хонадонбай” тамойиллари асосида ишлаш лозимлиги кўп гапириляптику! Қолаверса, ўз жуфтини топишда пуллик хизматлар кўрсатувчи қонуний ташкилотлар ҳам ишлаб турибди!

Умуман олганда, хотин ёки эр топиш масаласи — бу ҳар бир кишининг ўзи, ўз яқинлари ва зарур бўлганда, тегишли ташкилотлар ёрдамида ҳал қилинадиган шахсий масаласидир. Бу телешоу орқали бутун оламга овоза қилиб ҳал қилинадиган масала эмас! Асло! Шоу-дастурлар орқали оила қуриш миллий қадрият, урф-одатларимизга мутлақо тўғри келмайди.

“Ёр-ёр” кўрсатуви иштирокчилари кўрсатувдан “қуруқ” кетишмайди... Хусусан, ўша эътироз билдирилаётган кўрсатувда ҳам иштирокчи Табассум Юнусовага бошловчи бир тижорат компанияси совғасини топширади... Бу — реклама — даромад манбаи. Маблағ ишлаш — хусусий телеканал мақсади!

Ҳа, воқелигимиз шундай бўлиб қолди. Республикамизда бир неча хусусий телеканаллар фаолият юритяпти. Улар оммавий ахборот воситаси бўлсаларда, масъулияти чекланган жамият ҳуқуқий шаклига эга, яъни тадбиркорлик субъекти ҳисобланади. Тадбиркорлик тўғрисидаги қонунимизга мувофиқ эса тадбиркорлик — фойда (даромад) олиш мақсадида юритиладиган фаолият (3-модда). Шундай экан, телеканаллар пул топиш учун кўпроқ реклама беришлари керак. Реклама берувчиларни жалб этиш учун эса

улар ўз рейтингини ошириши керак. Бунинг учун телеканаллар ҳар хил шов-шувли янгиликлар, беъмаъни шоу-дастурлар, бадиий савияси паст, мазмуни саёз сериаллар, енгил-елпи қўшиқларни эфирга узатиб ётишибди.

Ушбу телекўрсатувларнинг бош қаҳрамон ва бошловчилари эса — шоуменлар — саводсиз гаплари-ю бачкана қилиқлари билан томошабинлар эътиборини ўзига михлаб қўймоқда. Аҳвол шу даражага етиб бордики, ҳатто давлатга қарашли “Ёшлар” телеканали ҳам томошабин изидан кувишда хусусийлардан орқада қолмасликка интилиб, ҳар хил беъмани шоу-дастурларни ўйлаб топиб, эфирга узатмоқда... Шундай кўрсатувлар ҳам борки, уларда оилавий можаролар телешоу шаклида ҳаммага намойиш этилади, улар қаҳрамонлари студияга таклиф қилиниб, муҳокама қилинади, “маънавият мутахассислари” “ақл-маслаҳатлар” беради... Аслида, бу мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган беъманилик..., маънавий емирилиш ифодаси ва ушбу телекўрсатувлар муаллифларининг ижодий қашшоқлигидан далолатдир...

Бундай теледастурлар ахборот соҳасини тартибга солиш учун қонунларимизга зиддир. Конституциямизнинг 33-моддаси, ижтимоий ахлоқни таъминлаш мақсадида ахборотни тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга йўл қўйилишини белгилайди. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4, 14-моддалари эса жамиятнинг ахлоқий қадриятларини таъминлаш мақсадида ахборот олиш чекланиши мумкинлигини, маънавий


бойликларни асраш жамиятимизнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш йўллари-дан бири эканлигини ҳам белгилайди. Шундай экан, ахборот соҳасини ривожлантириш ва тартибга солишга масъул бўлган давлат идоралари, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси, олимлару ижодкор зиёлиларимиз, депутатларимиз халқимизга маънавий захар тарқатаётган хусусий телеканалларга нисбатан ўз муносабатини билдириб, тегишли амалий чораларни кўришлари лозим.

Дарвоқе, бизда Республика Маънавият ва маърифат маркази, унинг ҳузурида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ҳам бор. Ушбу ташкилотларнинг реал ишларини ҳаётда кўрмаймиз ҳисоб, улар ходимлари ва олимлари ўз касбий вазифалари нимадан иборат эканлигини англаб етганларида ва уларни сақлаб туришга давлатимиз ажратаётган сарф-харажатларни оқлаш учун ҳаракат қилганларида маънавий соҳамиз шу даражага етиб борармиди? Одатда, “маънавият тарғиботчилари”нинг чиқишлари уларнинг маънавий ҳаётимизда тобора кескинлашиб бораётган муаммоларни англаб етмаганликларидан далолат бериб, зерикарли, баландпарвоз, “маънавият” атамаси қайта-қайта такрорланган умумий гаплардан иборат, холос... Нима ҳам дердик. Балки, улар ҳам хусусий телеканаллар шоу дастурларини зўр қизиқиш билан, ҳузурланиб томоша қилаётгандирларда?!... Афсус...

Фарход ҚУРБОНБОЕВ
иқтисод фанлари номзоди

Сўнгги йилларда юртимизда жадид адабиётини ўрганиш ва уларнинг асарларини чоп этиш борасида хайрли ишлар амалга оширилди. 2000 йилдан бошлаб “Ma’naviyat” нашриёти “Истиқлол қаҳрамонлари”, кейинчалик “Она юрт фидойилари” номи билан жадид адабиётига катта ўрин ажрата бошлади. 2017 йилда “Info Capital Group” нашриёти Абдулла Қодирийнинг мавжуд барча асарлари: мақола, фелъетон, шеър, ҳикоя, қисса, роман ва адиб ҳақидаги хотиралар жамланган 5 томликни нашр этган эди. 2022 йилда Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан “Yoshlar nashriyot uyi” да ҳар бири 23.000 нусхада чоп этилган “Жадидлар” тўпламида ўзбек жадидчилигининг 8 нафар йирик вакили: Ғулом Зафарий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ҳаёти, асарлари ҳақида китобхонга қисқа маълумот берилди.

ЧОРДОҚ, ҚАБРИСТОНЛАРДА ЯШИРИБ САҚЛАНГАН КИТОБЛАР —



“Жадид куллийети”да нималар ёзилган?

Сўнгги йилларда юртимизда жадид адабиётини ўрганиш ва уларнинг асарларини чоп этиш борасида хайрли ишлар амалга оширилди. 2000 йилдан бошлаб “Ma’naviyat” нашриёти “Истиқлол қаҳрамонлари”, кейинчалик “Она юрт фидойилари” номи билан жадид адабиётига катта ўрин ажрата бошлади. 2017 йилда “Info Capital Group” нашриёти Абдулла Қодирийнинг мавжуд барча асарлари: мақола, фелъетон, шеър, ҳикоя, қисса, роман ва адиб ҳақидаги хотиралар жамланган 5 томликни нашр этган эди. 2022 йилда Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан “Yoshlar nashriyot uyi” да ҳар бири 23.000 нусхада чоп этилган “Жадидлар” тўпламида ўзбек жадидчилигининг 8 нафар йирик вакили: Ғулом Зафарий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ҳаёти, асарлари ҳақида китобхонга қисқа маълумот берилди.

Яқинда “Zabard media” нашриёти хайрли ишга қўл уриб, филология фанлари доктори Шаҳноза Назарова ғояси ҳамда нашриёт директори Маъмура Кутлиева ташаббуси билан жадидлар даврида эски ўзбек алифбосида чоп этилган ва бир асрдан бери табиблини кутиб ётган 8 та тўпламни “Жадид куллийети” туркумида лотин ёзувида чоп этди. Куллийетдан “Сабззор”, “Булоқлар”, “Уйғониш”, “Адабиёт парчалари”, “Ичкари”, “Ўзбек ёш шоирлари”, “Улуғ Туркистон”, “Тўзал ёзғичлар” тўплами жой олган. Китобнинг ҳар бири ўша давр адабий муҳити, ижтимоий ҳаётини акс эттириши ва муаллифларнинг ўзлари тартиб бергани билан ҳам қимматлидир. Ушбу куллийетни жадидлар томонидан тузилган “ижодий гулдаста” дейиш ҳам мумкин. Аммо улар шу кунгача турли кутубхоналар, фонд ва архивлар тоқчаларида чангланиб ётган эди. Бугун улар китобхонлар қўлига етиб борди. Куллийет ватани ва миллати учун шаҳид кетган халқимизнинг оташқалб фарзандлари хотирасига бағишланади.

“Жадид куллийети”ни “Сабззор” тўплами очиб беради. Баёз 1914

йилнинг 12 августида Тошкентда Илин босмахонасида нашр қилинган. Аслиятда 49 саҳифадан иборат ушбу тошбосма китобни Мунавварқори Абдурашидхонов тўплаб, нашрга тайёрлаган. Тўплам анъанавий басмала (Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим, дея Аллоҳ номи билан)дан бошланиб, идора номидан ҳамд ва наът келтирилади. Шу билан бирга, “Ҳадийи ожизонамиздир бу” дея таъкидланади. Сўнгга Саидахмад Васлий, Сўфизода Мухаммадшариф, Абдулла Авлоний, Хислат, Тавалло, Сиддикий Ажзий, Холид Саид, Мискин, Ҳамза, Мирмулла, Аҳқарий, Афандихон, Лайлихоним каби ижодкорларнинг таҳририятга йўллаган табриклари ва миллий мавзудаги ғазал, мухаммас, мусаддаслари берилади, сўнг хотима билан якун топади. Китоб жадид зиёлилари таъсис этган “Садойи Туркистон” газетаси саҳифаларида эълон қилинган материаллар асосида, баёз шаклида тартибланган.

Иккинчи тўплам Чўлпоннинг 1922 йилда Тошкентда Туркистон жумхуриятининг давлат нашриётида чоп этилган “Уйғониш” тўплами бўлиб, шоир уни худди ҳазрат Навоий каби яратган. Китоб муҳташам “Ҳамса” каби беш қисм, яъни беш фаслдан иборат бўлиб, “Юрт қайғуси”, “Умид ва иймон”, “Чўрилар учун”, “Сезгилар” ва “Севги” деб номланган. Тўпламнинг унвон варағида Чўлпоннинг “Нечун очилди кўзим, қайда кетди уйқуларим? Бу уйғонишда тўлиб-тошди, ошди қайғуларим...” деган оғринчлари бор. Мазкур тўпламнинг аҳамиятишундаки, унга Чўлпоннинг ўзи тартиб берган бўлиб, ундаги айрим шеърлар, масалан, “Зиёи қамар” шу пайтгача эълон қилинган тўпламларда учрамайди... Бундан ташқари, мактаб дарсликларига киритилган ва сизу биз ёд олган “Халқ” шеъридаги айрим товуш ўзгаришларини ҳам айнан шу тўпламдан топа оласиз. Бундай таққосларни кейинги “Булоқлар” тўпламида ҳам учратиш мумкин.

“Ўзбек ёш шоирлари” тўплами 1922 йилда Туркистон давлат нашриётида чоп этилган бўлиб, аслиятда 105 саҳифадан иборат. Сўзбоши муаллифи Шаҳноза Назарова таъкидлаганидек, ушбу китоб ўз даврида Туркистон халқлари учун бир ёруғлик, бир нажотдек, ёниб турган чўғдек юракларни ўртаган, кўкрак чўнтакларда, юрак устида сақланган, тақиқ замонларида эса юракларга кўмилган китоб чордоқларда, қабристонларда “яшаган”. Китоб сўзбошида “Ўзбек билим ҳайъати” томонидан “Адабиёти юксалган бир элнинг билим-хунари-да юксалгусидир. Бир элнинг адабиёти қанча юксалса, унинг билим-хунарининг-да шунча юқорилашғонлиги англашиладир”, деб катта умид ва ишонч билдирилган. Бу тилак ва умидлар Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Элбек ва Боту шеърлари, уларда кўтаришган юксак маърифий ғоялар, хурият ва ишқ, миллат қайғуси билан юзага чиқади.

“Улуғ туркистон” куллийетдан ўрин олган навбатдаги тўплам бўлиб, 1917 йил 25 апрелдан то 1918 йилнинг 30 ноябригача қисқа муддатда фаолият юритган ва дастлабки сонлариданок муслмонлик ва турклик муҳимлиги алоҳида таъкидланган газета номи билан боғлиқ. Газета “ўртоқ бир шева” орқали барча ўқувчиларни бирлаштиришни кўзлаган эди. Тадқиқотчи Акмал Аззамкуловнинг таъкидлашича, “Улуғ Туркистон” газетасида хабар ва мақолалар маълум мавзудаги рукнларга ажратиб босилган. Масалан, биринчи саҳифадаги эълонлар қисмидан кейин долзарблиги юқори бўлган ўртача ҳажмдаги мақолалар берилган. Ҳажман катта бўлган мақолалар иккинчи ва учинчи саҳифаларнинг пастки қисмларида бериб борилган. Агар мақола бу қисмда ҳам сиғмаса, давоми кейинги сонларга қолдирилган”. Этиборли жиҳати, газетанинг биринчи бетида доимий равишда эълонлар бериб борилганидир.

“Адабиёт парчалари” талабалар, ўқитғучилар ва умуман, адабиётни севғучилар учун терма дарслик — христоматия бўлиб, 1924 – 1926 йиллар оралиғида Чўлпон ва Ашурали Зоҳирий томонидан нашрга тайёрланган. Тўпламдан

жой олган асарлар ўша даврнинг машхур ижодкорлари — Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ашурали Зоҳирий, Олтой, шунингдек, энди танила бошлаган Шокир Сулаймон, Қ.Арслон (Қизил Арслон (Ғози Олим Юнусов) – таъкид бизники, Х.С) каби ёш ижодкорлар ҳамда Алишер Навоий, Бобур, Муқимий каби мумтоз шоирлар ижодидан саралаб олинган.

“Адабиёт парчалари” талабалар, ўқитғучилар ва умуман, адабиётни севғучилар учун терма дарслик — христоматия бўлиб, 1924 – 1926 йиллар оралиғида Чўлпон ва Ашурали Зоҳирий томонидан нашрга тайёрланган. Тўпламдан жой олган асарлар ўша даврнинг машхур ижодкорлари — Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ашурали Зоҳирий, Олтой, шунингдек, энди танила бошлаган Шокир Сулаймон, Қ.Арслон (Қизил Арслон (Ғози Олим Юнусов) – таъкид бизники, Х.С) каби ёш ижодкорлар ҳамда Алишер Навоий, Бобур, Муқимий каби мумтоз шоирлар ижодидан саралаб олинган.

“Ичкари” Лолахон Сайфуллина тахаллуси билан ижод қилган рус адибаси Осипова Цвеккаянинг ҳикоялар тўпламидир. Адиба асарларини 1926 йилда Чўлпон ўзбек тилига ўгиради ва Ўзбекистон давлат нашриётида чоп эттиради.

Ўша даврда Ўрта Осиё бюроси хотинлар шўъбасининг мудираси бўлиб фаолият юритган С.Любимова “Ичкари”га ёзган сўзбошисида “Сайфуллинанинг жуда нафис ва санъаткорона...” деб ҳикояларни Гомернинг “Илиада”си вазнида ёзилганлигини эътироф этади. Аммо Чўлпон “Лекин Ҳомер вазни йўқ, ишланмаган муосир (замондош) ўзбек адабий тили бор” деган хулосага келади ва асарни ўзбек тилига таржима қилади. Сайфуллинанинг “Бахтли бир кечада, ёруғ юлдуз шуъласи остида туғилди Гулжамол”, “Назар солди яхши шамол эндигина очилган кўзларга” тарзидаги “тескари жумла тузиш” маҳоратини юқори баҳолайди ва китобга ёзилган “Сўзбоши” охирида “Шарқ ва Ғарб чегарасида аламли ҳарамларнинг кўз ёшлари-да очилиб қолган Лолагулдин кечирим сўраб қоламен”, дейди.

Холиёр САФАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

КИБЕРХУЖУМЛАР ОРТИДАГИ КУЧ

ёхуд бунинг ортида кимлар турибди?

Ўзбекистондаги давлат ташкилотлари сайтларига сўнгги ярим йилликда 2 миллиондан ошди киберхужум турлари аниқланган. Мутахассислар фикрига кўра, бутун дунёда ортаётган бу тенденция ортида асосан соҳани янги ўрганаётганлар турган бўлиши мумкин. Ўзбекистондаги киберхавфсизликка туғилаётган таҳдидлар ва унга қарши чоралар ҳақида Киберхавфсизлик маркази вакили ва мутахассислари билан суҳбатлашдик.



Сўнгги вақтларда Ўзбекистонда давлат ташкилотларининг расмий сайтлари ва турли тўлов тизимларига ҳам киберхужумлар кўпайиб бормоқда. Бунга жавобан ушбу сайтларда ташқи трафик ёпиб қўйилди. Аввалроқ эса, 200 мингдан ортиқ ўзбекистонликларнинг браузерлардаги пароллари хакерлар томонидан ўзгариб, очиқ интернетга чиқариб юборилгани маълум бўлган эди.

Ўзбекистонда давлат ташкилотлари расмий сайтларига хужумлар ва уларнинг мақсадлари, хавфлари, киберсаводхонлик каби масалаларда интервью таъкил қилдик. Меҳмонларимиз — “Киберхавфсизлик маркази” ДУК бўлим бошлиғи Жаҳонгир Маҳмудов, киберхавфсизлик бўйича мутахассис Жасур Эркинбоев, киберхавфсизлик ва сунъий интеллект бўйича мутахассис Анвар Нарзуллаев.

— Давлат ташкилотлари расмий сайтларида бир қанча вақт ишламай қолаётганини киберхужум дейиш мумкинми?

Жаҳонгир МАҲМУДОВ,
“Киберхавфсизлик маркази” ДУК бўлим бошлиғи:

— Бу узилишларни тўлақонли киберхужум деб айтолмаймиз. Чунки сайтлар икки қисмдан иборат: фойдаланувчиларга кўринадиган frontend қисми ва унинг ортида ишлайдиган backend, маълумотлар базаси. Бу компонентларни янгилаб, ўз вақтида техник хизматлар кўрсатиб туриш керак бўлади. Аксарият ҳолларда тизимга кўрсатилаётган техник хизматлар сайтлар вақтинча ишламай туришига сабаб бўлади. Буни киберхужумлар деб айтолмаймиз. Шу билан бирга, энди киберхавфсизликни ўрганаётганлар томонидан ҳам кўп сўровлар юбориш, фишинг каби ҳаракатлар ҳам бўлиб туриши мумкин, лекин асосий қисми киберхужум деёлмаймиз.

Анвар Нарзуллаев,
мутахассис:

— Ўзи бу ҳолатда киберхужумлар ошди, дейиш учун бунинг

статистикаси юритилиши керак. Масалан, ўтган йили қанча хужум бўлган, қайси дастурлар ишлатилди ёки маълумотлар бўлиши керак. Киберхужумлар доимий бўлади, ўзимизни сайтларимизда ҳам доим мониторинг қилиб турамыз.

— Сайтлардаги фойдаланувчиларга кўринадиган қисмларида муаммолар бўляпти. Бунга муаммолар ҳар доим ҳам техник жиҳат бўлавермайди, тўғрими?

Жасур ЭРКИНБОЕВ,
мутахассис:

— Бутун дунё бўйлаб киберхужумлар ошиб борапти, жумладан, Ўзбекистонда ҳам. Статистика бўйича 40 фоиз интернет фойдаланувчилари интернет ботлар ҳисобланади. Улар маълум бир дастурчилар томонидан ёзилган дастурлар бўлиб, доимий равишда интернет қурилмаларига зарарли трафиклар жўнатиб, уларни ишдан чиқаради.

— Бузиб кирилган сайтлар киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунга кўра, мувофиқлик бўйича мажбурий экспертизадан ўтганми? Ўзбекистон давлат ташкилотлари, тўлов тизимларига бўлаётган хужумлардан мақсад нима ўзи? Фирибгарлик ҳолатлари борми, сайтни блоклаб, пул талаб қилиш каби?

Жаҳонгир МАҲМУДОВ:

— Маълум бир вақтда давлат ташкилотлари веб-сайтлари текширувдан ўтказилади. Бузиб кирилган Сенат сайти ҳақиқатан текширувдан ўтган-ўтмаганини кўриш керак, чунки бизнинг фаолият туримиз кенг, шунинг учун аниқ айтолмайман. Лекин Сенат сайти бузилган, мутахассисларимиз бориб ўрганиш олиб борапти.

Иккинчи саволингизга жавоб берсам. Ҳозир карталардан пул ечи олиш ҳолатлари кўпайган. Сайтларни блоклаб, пул талаб қилиш масаласида бирор нима деёлмайман. Бу нарсани билан шуғулланувчи органлар бор, улар аниқроқ жавоб бериши мумкин.

Анвар НАРЗУЛЛАЕВ:

— Киберхужумлардан мақсад маблағларни, маълумотларни ўғирлаш бўлади асосан. Маълумотлар базасини блоклаб, очиш учун пул талаб қилган ҳолатлар бўляпти бошқа давлатларда, ўзимизда бундай нарсани эшитмадим ҳали. Сенат, Қурилиш вазирлиги сайтларини бузган болалар шунчаки шўхлик қилиб бу ишни қилишган, бошқа мақсад бўлмаган, улар билан суҳбатлашдик ҳам. Пул талаб қилиш ҳолатлари бўлган бўлса, бу ҳақида маълумотлар бошқа ваколатли органларда бўлса керак.

Жасур ЭРКИНБОЕВ:

— Давлат ташкилотларининг сайтини бузишдан асосий мақсадлардан бири репутацион зарар келтириш бўлади. Иккинчи мақсад, бошқа бир давлат томонидан ўзига душман деб билувчи давлатнинг ташкилотлари сайтини бузиб, сиёсий мақсадлар кўзлайди. Дунё тажрибасида шундай. Ривожланган давлатларда киберхавфсизлик бўйича ўз таъсирини ўтказиш воситалар бор, дейлик, кучли хакерлар, базалар. Давлат томонидан таъминладиган хакерлар жамоаси ҳам бўлади, улар давлатларга, катта компанияларга зарар келтира олади. Лекин ўзимизда ҳали бундай мақсадли хужумлар кузатилгани йўқ. Биздаги хужумларни шунчаки хаваскор ёшлар қилаётганини кўришимиз мумкин, махсус режали хужумлар эмас. Маълумотлар базасига зарар ҳам етказишолмаган, но-созлик келтириб чиқаришган.

Анвар НАРЗУЛЛАЕВ:

— Сайт бузишни иш берувчига тажриба намунаси сифатида амалга оширадиганлар ҳам бор, яъни мен фалон-фалон сайтларни бузганман деб кўрсатади буюртмачига. Рақобатчилар бир-бирининг базаларига хужум қиладиган ҳолатлар кўп, шундай пайтда хакерларни ёллашади.

— Давлат ташкилотларининг сайтларига бўлган хужумлар ортидан вақтинча ташқи трафик орқали кириш тақиқлаб

қўйилгани айтилди, ўзимиз ҳам буни текшириб кўрдик. Нима учун киберхужумлар олдини олиш учун ташқи трафик ёпиб қўйилади? Ўзи умуман, киберхужумларнинг олдини олиш учун марказ нима қиляпти?

Жаҳонгир МАҲМУДОВ:

— Киберхужум бўлганда четдан ёки Ўзбекистоннинг ўзидан бўлганини билмаймиз. Бошқа давлатнинг «проху serveri» орқали хужум қилишлар ҳам бўлади. Лекин ташқи трафикни ёпиб қўйиш ҳолати бўлмаган, бизда бундай ваколат йўқ ҳам. Бундай ваколат фақат ўша ташкилотларнинг ўзида бўлади.

Киберхавфсизлик марказида сайтларни ҳимоя қилиш учун доимий мониторинг олиб борилади. Агар сайтларга хужумлар, хавфли ҳолатлар, сўровлар кўпайиб кетса, сайт администрацияси огоҳлантирилади ва хавфсизлик чоралари кўрилади. Бизда тўлиқ 24соатишланади, навбатчилик йўлга қўйилган. Доимий назоратда бўлади.

Анвар НАРЗУЛЛАЕВ:

— Сайт админлари томонидан ташқи трафикни ёпиб қўйиш бўлган бўлиши мумкин. Шахсан мен шундай хужумларни тўхтатиш учун шу ишни қилган бўлардим. Вақтинчалик ечим бу, лекин нотўғри эмас. Дастур ишлаб чиқилган пайтда шундай хужумлар олдини олади-ган бўлмаса, ташқи трафикни ёпиб, вақтинча ечим қилиш мумкин. Бундай пайтда ташқи манбалар орқали шундай хужум бўладики, худди сайтга миллионлаб одамлар кирмоқчи бўлгандек босим беради ва сайт ишламай қолади.

Сайтни дастурлаш пайтидаёқ тўғри серверга жойламайди. Бизда кўпинча дастурни ишлаб чиққан мутахассисларнинг ўзи серверга жойлайди. Аслида дастурловчи, серверга жойловчи мутахассислар бошқа-бошқа бўлиши керак.

Фаррух АБСАТТАРОВ
суҳбатлашди.

“Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнаlining 1967 йил 2-сониди П.Агапов муаллифлигидаги “К истории военной печати в советском Туркестане” сарлавхали мақола эълон қилинган. Илмий мақолада муаллиф 1919 йил 25 июлда Каспийорти fronti сиёсий бўлими хузуридаги миллий шўъба томонидан Полторацк (ҳозирги Ашхобод)да арман тилида “Шефор” (“Горнист”) номли ҳарбий газета чоп этилгани ҳақида маълум қилади. Шунингдек, тахминан шу даврда мазкур бўлим туркман ва озарбойжон тилларида “Садои фукаро” номли ҳарбий газетани нашрдан чиқаргани келтириб ўтилади. Олим туркменистонлик тадқиқотчи М.Аннақурдовнинг фундаментал ишига иқтибосан бу хусусда маълум қилади.

Шўро тузуми нега айнан шу даврда Туркистонда ҳарбий нашрлар чоп этишга, хусусан маҳаллий тилларда газеталар чиқаришга эътибор қаратди, деган савол бизни ўйлантирди. Бунга аввало П.Агаповнинг мақоласидан ҳамда диссертация авторефератидан жавоб излашга уриндик. Мақолада бунга қуйидаги сабаблар келтириб ўтилган:

Туркистонда қизил армия ҳарбий қисмларини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш;

туркистонлик жангчиларнинг сиёсий тарбиясини мустаҳкамлаш;

туркистонлик жангчиларни аксилинкилобий қуроли кучларни янчиб ташлашга сафарбар этиш.

П.Агапов диссертацияси авторефератидаги маълумотларга эътиборни қаратсак, саволга янада аниқроқ жавоб топилгандек бўлади. Масалан, тадқиқотчининг келтиришича, қизил армиянинг “Красный фронт” газетаси 1919 йил 26 май сониди Туркистон марказий ижройи қўмитаси (Туркцик) нинг “Қизил Совет Туркистони хавф остида” (Красный Советский Туркестан в опасности!) номли мурожаатни чоп этади. Шўролар мафкураси руҳи билан суғорилган мазкур ҳужжат “Барча совет ҳокимияти ҳимоясига, ҳокимият ишчилар, камбағал крестьян ва деҳқонларга!” деган даъват, қизил шиор билан яқунланган. Материал большевиклар коммунистик партиясининг (ЦК РКП (б)) шарқий фронт билан боғлиқ ҳолат бўйича қабул қилинган тезиси ижроси юзасидан тайёрланади. Партиявий руҳда қизил аскарларга нашр орқали баландпарвоз мурожаат йўлланади. Газетанинг 1919 йил 6 июнь сониди эса “Сўз Қизил Туркистон мусулмон йўқсилларига” (Слово к мусульманскому пролетариату Красного Туркестана) номли материал чоп этила-



ТУРКИСТОНДА НЕГА АРМАН ТИЛИДА ҲАРБИЙ ГАЗЕТА ЧИҚАРИЛГАН?

ди. Унда ҳам шундай руҳ акс этади. Яъни туркистонлик мусулмон йўқсиллар кўнгилли равишда қўлига қурол олишга, катта оғалари билан елкама-елка туриб, қизил армия сафида каттол душманга ҳал қилувчи зарбани беришга даъват қилинади.

Туркфронт томонидан чоп этилган яна бир нашр “Горнист” эса 1919 йилнинг 29 июндаги сониди чоп этилган мақолада Каспийорти-

стида чоп этилади. Бироқ бу ҳақда тарихий, илмий манбалар билан тасдиқланган маълумот учрамайди. Тарих фанлари номзоди П.Агапов келтиришича, Каспийорти fronti инқилобий кенгаши сиёсий бўлимининг 1919 йил 6 августдаги буйруғида шундай ёзилган: “мусулмон шўъбаси мудири билдиргисига мувофиқ “Садои фукаро” мусулмон газетаси менга қарашли сиёсий бўлимининг

лаштириш бўлган.

Я.Носирийнинг маълум қилишича, дастлаб “Садои фукаро” газетаси редколлегиясини Туркфронт сиёсий бўлимининг мусулмон шўъбаси ташкил этади. 1919 йил 1 декабрдан бошлаб нашр Ашхободдаги вилоят мусулмон бюросининг матбуот органига айланади.

“Садои фукаро” газетаси катта ўлчамда икки саҳифада чоп этилади. Вилоят мусулмон бюроси мудирининг келтиришича, газета 1920 йил январь ойида 800 нусхадан 2 марта, феврал ойида эса 1000 нусхадан 8 маротаба чоп этилади.

Мухаммад Дурди Аннақурдов газетанинг 1920 йил 15 январдаги 2-сонини ўрганиб, нашр нафақат туркман, балки форсий ҳамда арабий сўзларга бой озарбайжон тилида чоп этилганини ёзади. Шу сабабли ҳам “Садои фукаро” газетасини оддий туркман меҳнаткаш халқининг ўқиши қийин бўлган. Газета 1920 йилнинг апрелигача чоп этилади.

Мақола бошида келтириб ўтилган “Шефор” газетаси ҳақидаги маълумотлар П.Агаповнинг мақоласида учрайди. Олим асосий маълумотни газетанинг бош муҳаррири Н.Сарқиянцга таянган ҳолда келтиради. Н.Сарқиянц Каспийорти fronti ҳарбий инқилобий кенгаши хузуридаги сиёсий бўлим органи ҳисобланган “Горнист” газетасида фаолият юритган. Қизил армия Марвни ишғол этганидан кейин арман миллатига мансуб аҳолини совет ҳокимияти тарафига оғдириш учун

Олим П.Агапов эса “Шефор” газетасини чоп этишдан мақсадни асосий ташкилотчи бўлган сиёсий бўлим маълумоти орқали тушунтиради. Яъни “Горнист” газетасининг 1919 йил 17 октябрь сониди берилган материалда Каспийорти fronti сиёсий бўлими бошлиғи буни синфий курашнинг асл моҳияти, коммунистик партия кўзлаган мақсади ва танлаган йўлини арман ишчиларига чуқурроқ сингдириш билан изоҳлайди.

даги маҳаллий аҳолини қизил армия сафига кириш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга чакиради.

Келтириб ўтилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, миллий озодлик ҳаракати авж олган даврда Туркистон худудида чоп этилган ҳарбий нашрлардан ҳукмрон мафкура асосан ташвиқот қуроли сифатида фойдаланади.

“Садои фукаро” номли ҳарбий газета қачондан бошлаб нашр қилингани номаълум. Мухаммад Дурди Аннақурдовнинг тахминича, мазкур газета 1919 йилнинг 12 авгу-

ходимлари ўрток Агавачқулжавазов ва Ўроз Дурди Қулиев томондан жорий йилнинг 1 августидан бошлаб чоп этилади”.

Мазкур газетанинг вазифалари хусусида Туркменистон матбуотининг кекса ходимлари Я.Носирий ва Г.Хусаиновларнинг хотираларида учрайди. Хусусан, Г.Хусаиновнинг фикрича, нашрдан кўзланган асосий мақсад эндигина мустаҳкамлана бошлаган совет ҳокимиятини, камбағаллар ва миллий контингентдан тузилган қизил армия қисмларини меҳнаткашлар ўртасида омма-

Саркисянцга варакалар чиқариш топшириғи берилади. Арман тилидаги варакалар 1919 йилнинг 15 июлигача чоп этилиб, кенг ташвиқот ишлари олиб борилади. Шундан кейин, аниқроғи 1919 йилнинг 25 июлидан бошлаб “Шефор” газетасини чоп этишга сиёсий бўлим томонидан қарор қилинади. Нима мақсадда арман тилида газета чоп этила бошланди? Тахмин қилиш мумкинки, газета орқали ташвиқот шўролар учун улкан самара берган. Шу сабабли коммуникатив таъсирни ошириш учун навбатдаги қадам ташланган. Олим П.Агапов эса “Шефор” газетасини чоп этишдан мақсадни асосий ташкилотчи бўлган сиёсий бўлим маълумоти орқали тушунтиради. Яъни “Горнист” газетасининг 1919 йил 17 октябрь сонида берилган материалда Каспийорти fronti сиёсий бўлими бошлиғи бунини синфий курашнинг асл моҳияти, коммунистик партия кўзлаган мақсади ва танлаган йўлини арман ишчиларига чуқурроқ сингдириш билан изоҳлайди. Саркисянцнинг маълум қилишича, Каспийортидаги арман меҳнаткашлари “Шефор” газетасини зўр кувонч билан кутиб олишган. Бунини газета чоп этилгач тахририятга келган кўплаб хатлар ҳам исботлайди.

Хўш, “Шефор” мақсадига ета олганми? “Горнист” газетасининг 1919 йил 17 октябрь сонида берилган мақолада ёзилишича, қисқа вақт ичида инқилобчи арман ёшлари ва ўқитувчиларидан иборат фаол аудитория юзага келган. Яъни жамоатчи мухбирлар шаклланди. Аҳолининг фаол қатлами бўлган ёшларнинг, илғор қатлами бўлган зиёлиларнинг онгига нашр тез суръатда кириб бордими, демек мақсад йўлида катта қадам ташланган. Саволга шу фактнинг ўзи орқали жавоб бериш билан чекланса бўларди. Аммо яна бир факт эътиборни тортди. Мақолада келтирилишича, қисқа вақт ичида газета саҳифаларида 23 та бош мақола, 77 та мақола, 14 та беллетристик материал, 12 та фельетон, 7 та шеър чоп этилди. Маълумот ўрнида айтиш керакки, “Шефор” нинг жами 29 та сони чоп этилади. Бош мақолалар сони мисолида фикр юритиб кўрсак, ахборот маконида муҳораба аёвсиз бўлганини англаш мумкин. 29 та сонида 23 та бош мақола эълон қилинганини қандай изоҳлаш мумкин? Бу нашрнинг

деярли ҳар бир сониди газетхонларга кенг тарғибот, ташвиқот олиб боририлганини, ижтимоий фикрда шўролар мафкураси ҳақ эканига ишончли мустаҳкамлашганидан далолат эмасми?! П. Агаповнинг ёзишича, “Шефор” газетаси нусхалари сақланиб қолмаган. Аммо ундаги материаллардан айримлари “Горнист” газетасида кўчириб босилади. Масалан, Н. Саркисянц муаллифлигидаги “Бизнинг йўл” мақоласини олайлик. Мақолада муаллиф совет Россияси халқларининг янги ҳаёт учун машаққатли ва қаҳрамонона йўлини улуғлайди, барча миллатлар ишчи ва деҳқонларининг биродарлик иттифоқи заруратини таъкидлайди. Яъни мақоланинг асосий ғояси совет тузумини, шўролар танлаган йўлни жамоатчиликка кенг тарғиб қилишга қаратилади.

Туркман тилида ҳарбий газета чоп этилишини тушунса бўлади. Аммо нега арман тилидаги нашрга эҳтиёж туғилди? Интернет манбасида келтирилишича, 1901 йилда Ашхободда тахминан 36,5 минг аҳоли бўлиб, уларнинг 11,2 мингини форслар, 10,7 мингини руслар, 14,6 мингини эса арманлар ташкил этган. Шаҳар аҳолисининг асосий қисми арманлардан иборат бўлган.

Россия ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги таҳлилий марказ директори Андрей Казанцевнинг фикрича, 1917 йилдаги инқилобга қадар Туркманстонда Туркистон генерал губернаторлиги алоҳида Каспийорти ўлкасини ташкил этиб, ҳозирги Озарбойжон ҳудудидан арманларни оммавий равишда Ашхободга кўчиради. Демак, нега Ашхободда арман тилида ҳарбий газета чоп этилганига мазкур омил орқали жавоб берса бўлади. Аммо яна бир манбага кўз югуртириб, хулоса чиқаришга ҳаракат қилдик. Яъни “Ўзбекистоннинг янги тарихи” китобида шундай ёзилган: “Эргаш унинг талабларини бажаришдан бош тортгч, Перефильев Қўқон шаҳрини 12 замбаракдан ўққа тутди. Кундуз соат бирда бошланган ўқ ёмғири шомгача шаҳарни вайронага айлантирди. Аммо шунга қарамай мухториятчилар таслим бўлмадилар. Шаҳарни қизил гвардиячилар, австро-венгер ҳарбий асирлари ва арман бирлашмалари (дашноқлар) дан ташкил топган совет кўшинлари ҳужумидан уч кун ҳимоя қилдилар.... Қизил гвардиячилар, айниқса арман

дашноқлари кўп ваҳшийликлар қилиб, шаҳарни талон-тарож қилдилар”. Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, Туркистондаги миллий озодлик учун курашни бостиришда қизил армия сафида арман дашноқларидан ташкил топган бўлинмалар бўлган. Демак, фитна санъатини пухта эгаллаган шўролар қизил армиянинг Каспий-орти fronti бўлинмаларини туркийларга тарихий адовати бўлган арман миллатига мансуб фуқаролар, хусусан дашноқлар ҳисобига мустаҳкамлашдек вазифани ўз олдига қўйган ва бунда энг катта тарғибот воситаси сифатида газетадан унумли фойдаланган. Биринчидан “Горнист” газетасида фаолият юритган Саркисянцнинг арманларни совет ҳокимияти тарафига, қизил армия сафига ўтишини тарғиб қилувчи варакалар чиқаргани, иккинчидан арман тилидаги ҳарбий газетага бош муҳаррир бўлиб, миллатдошларини “янги ҳаёт учун” қаҳрамонларча курашга чақиргани бунини исботлаб турибди.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида келтирилишича, “горн” немисча сўздан олинган бўлиб, мис пуфлама мусиқа чолғуси ҳисобланади. Ушбу пуфлама созни чалувчини эса “Горнист”, яъни “горнчи” дейишади. Арман тилидаги газетанинг номидан ҳам кўриниб турибдики, “Шефор” (Горнист) шўро мафкураси “қуйчиси”, “чолғучиси” бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Туркфронт томонидан чоп этилган “Садои фуқаро” ва “Шефор” ҳарбий нашрлари шўро мафкураси буюрган куйни чалган, аниқроғи куйидаги мақсадларга хизмат қилган:

советлар сиёсати тўғри эканлигига жамоатчиликни ишонтириш;
маҳаллий аҳолида шўро душманларига қарши нафратни шакллантириш;
қизил армия сафларини маҳаллий аҳоли ҳисобига бутлаш ва мустаҳкамлаш;

Туркистон миллий озодлик ҳаракатига қарши кураш.

Алижон САФАРОВ,
Ўзбекистон журналистика
ва оммавий коммуникациялар
университети босма ОАВ ва
ноширлик иши факультети
Ҳарбий ва спорт журналистикаси
кафедраси мудири, филология
фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета тахририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1110
Адади: 1015.
Пайшанба кунини чиқади.
Қўғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани,
Новза кўчаси, 14-уй
Маълумот учун телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



Дунёдаги энг қиммат китоблар

Ротшилд Часослави

Бу шунчаки китоб эмас, балки 1505 йилдан бери қўлдан-қўлга ўтиб келаётган ҳақиқий асардир! Китоб Уйғониш даври ижодкорларининг расмлари билан безатилган. XIX асрда бу қўлёзма Ротшилдга етиб келган. Дастлаб, уни оила боши, женевалик Адолф сотиб олган. Унинг вафотидан кейин китоб 1900 йилда жияни Морисга топширилган. Иккинчи Жаҳон уруши пайтида қўлёзма мусодара қилиниб, уруш тугагач эгасига қайтарилган. 1954 йилда “Метрополитен” санъат музейи 13,4 миллиард АҚШ долларига қўлёзмани сотиб олган.

Леонардо да Винчининг
“Лестер кодекси” китоби

“Лестер кодекси” VI асрнинг биринчи ўн йиллигида рассомнинг илмий изланишлари натижасида ёзилган. У 72 саҳифадан иборат бўлиб, атрофимиздаги дунё ҳақидаги ғоялар акс эттирилган. Шунингдек, унда Леонардонинг кичик эскизлари тасвирланган. Китобни 1994 йилда Билл Гейтс сотиб олди. Сабаби, у китобни дунё бўйлаб музейларда мунтазам равишда намойиш қилинишини истади. Бунинг учун Гейтс 30,8 миллион доллар сарфлади.

ЭНГ ҚИСҚА
ҲИКОЯЛАРИ

1. РОБИЯ

Эй, Худойим, яқинда туғиладиган укам ҳам қиз бўлишини хоҳлардим. Ўшанда биз бувижоним билан бирга яшардик...

2. АФСУС

Ҳайдовчи тамаки тутатди ва қанча ёқилғи қолганини билиш учун бензин бакига эгилди.

Марҳум атиги 23 ёшда эди.

3. ҚАСД ВА ХАЛОС

Жонимга қасд қилиш учун ўзимни пастга ташладим. Кейин фикримдан қайтдим.

4. ТАҚДИР

Вақтлараро саёҳатчининг хаёли: “пароль” нима эди-я?

5. УМИД

“...Биз бошқа ҳеч қачон учрашмаймиз! Бошқа ҳеч қачон тўқнаш келмаймиз! Бошқа ҳеч қачон кўзларимиз кўзларимизга тушмайди...”

Кўришгунча...”

6. ГУНОҲҚОР

У ҳақиқий гуноҳкор эди. Чунки бир юз йигирма тўрт минг суворийдан ёлғиз угина урушдан ватанига соғ-омон қайтди.

7. МАСЪУЛИЯТ

Етти боланинг кийимлари оғирлик қилиб узилган дор, уйдан бош олиб кетаётган эркак оёқларини чалиштириб йиқитди.

Осмонда
нечта юлдуз бор?

Бу саволга ҳеч ким аниқ жавоб бера олмаса керак. Ердаги энг қучли телескоплар билан ҳам юлдузларнинг барчасини кўриш мумкин эмас. Барчамизнинг уйимиз бўлмиш Ер (юлдуз ҳам эмас!), бор-йўғи, кичик бир сайёра бўлиб, у ўртача катталиқдаги юлдуз — Қуёш атрофида айланади. Қуёш эса ўз навбатида Сомон Йўлидаги кичик бир юлдуздан бошқа нарса эмас.

Бизнинг галактикамизда бундай миллион-миллион юлдузлар бор. Бундан ташқари, Сомон Йўлининг ўзи Коинотдаги минг-минглаб галактикалардан биридир...

Минг-минглаб галактикалардан биттаси бўлган бизнинг галактикамиз ҳам шу даражада бепоёнки, жуда катта тезликка эга бўлган ёруғлик унинг бир чеккасидан иккинчи бир чеккасига етиб боргунча минг йиллар вақт ўтади. Шундай экан, биз осмондаги юлдузлар сонини ҳеч қачон аниқ ҳисоблаб чиқа олмаймиз. Лекин саволга қуйидагича жавоб бериш ҳам мумкин: юлдузлар сони шу даражада кўпки, уларнинг миқдорини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Санъаткор ён дафтарида

Ҳайкал тошнинг ичида аввалдан бўлади. Фақат буни энг яхши ҳайкалтарошгина кўра олади.

Энг яхши ёзувчи ўзида борини “аямай” қаҳрамонларига сингдириб ёзадиган ёзувчидир.

Шекспирнинг ҳамма қаҳрамонларида Шекспирнинг ўзи бор.

Гап санъаткорнинг ташқи кўринишида эмас, қалбида.

Спектаклнинг 90 фоиз муваффақияти режиссёрнинг актёрларга ролни тўғри тақсимлай олишидадир. Қолган 10 фоизи эса ижрочиларнинг бўйнида.



Бир хил тип (ампула)даги ролларни ўйнаш актёрни яримта қилиб қўяди.

Актёр олган роли ҳақида эртаю кеч, тинимсиз ўйлаши, изланиши керак. Роль унинг хотиржам яшашига халақит бериши лозим.

Баходир ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон халқ артисти

Очиги, бу мавзуда ёзажак мулоҳазаларимиздан биров истиҳоло қилаямиз ва бу гапларимиз ўз эгаларини топади, деган умиддамиз. Боиси ҳожи деганда кўз олдимизга юзидан нур ёғилувчи, ибодатда умр кечирувчи, иймон ва илм зиёсини улашувчи инсон гавдаланади.



“ПИАРҲОЖИ”ЛАР

Балки сиз ҳам ҳожи ота ёки ҳожи онанинг сафардан келгани муносабати билан ёзиладиган эҳсон дастурхонига таклиф этилгандирсиз. Эҳсон — яхши одат, аммо Ҳаж ё Умрадан қайтган одам элга ош бериши керак, деган гап йўқ. Хайрияга қурби етган одам буни бошқа йўл билан ҳам амалга оширса бўлади. Бир бурда нонга зор оилалар бор, дори сотиб олишга маблағи йўқ беморлар қанча?!

Ҳаж ва Умра сафарида қайтган яқинимиз пойига пояндоз ёзиш одати бор. Бунинг ёмон жойи йўқдир, аммо гуллардан ўн метрли пояндоз ёзишга нима дейсиз?! Ҳожи ҳам ҳамма каби бир банда, уни сунъий равишда кўкларга кўтаришдан не наф? Ундан кўра самимий эҳтиром кўрсатилмайдими?

Ҳожиларни аэропортдан тантанали кутиб олиш, қийқирик ва қарсакбозлик, ҳожи ота ва ҳожи оналарни “Лимузин”га ўтказиб, турнақатор кортеж билан уйга олиб келиш... Ахир бу нима деган гап? Кечагина машаққатли ибодатларни бажарган, йиғлаб дуолар қилган, Аллоҳга яқинлашиш баробарида охиратнинг бир парчасини кўриб қайтган инсонларга бу дабдаба ва ҳашаматга қаҳрамонлик ярашадими?

Ҳа, яна бир масала — яқинларига совға улашиш. Баъзан зиёратчиларнинг фикр-у хаёли шу билан банд бўлади. “Қудамга олдим, келинимга олдим, неварам қолди”. Нега керак бу бўлмағур ташвишлар?

Имкониятдан фойдаланиб, дуо қилишга шошилмайдиларми? Яқинлари учун энг росимга айланди ва унга бирин-кетин урфлар қўшилиб бормокда. Масалан, кузатиш ва кутиб олиш, эҳсон тадбирлари фото ва видео лавҳаларга муҳрланмокда. Бу нега керак? Ҳожилар уни тарқатмоқчимилар ёки ўзлари онда-сонда томоша қилиб, кибрга бериладиларми? Ҳатто зиёрат жойининг ўзидан ҳам видеога тушириш оммалашди. Нега ҳожилар сафар тароватини дилга эмас, фото ва видеога муҳрлашга уринмокдалар? Ибодатни ҳар ким ўзи учун, Аллоҳ ризоси истагида бажармайдими?